
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ТУРКИЯ МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ ВАЗИРИНИНГ СОБИҚ ЎРИНБОСАРИ ЎЗГУЛ ЎЗКАН ЯВУЗ БИЛАН УЧРАШДИ

Фарғона вилояти туризм салоҳиятини юқори баҳолаган Ўзгул Ўзкан Явуз ушбу йўналишни янада ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида эканлигини маълум қилиб, янги лойиҳаларга инвестиция киритишни режалаштираётганлигини қайд этди. Спорт, тиббиёт, тоғ чанғи, табиат, бизнес туризми каби йўналишларда ҳамкорликда амалга оширмақчи бўлаётган лойиҳалари бўйича таклифларини билдирди. Шунингдек, Фарғонада туризмнинг ҳар бир йўналишини ривожлантирган ҳолда сайёҳларни кўпроқ муддатга жалб этиш мумкинлигини қўшимча қилди. Бундан ташқари, туристларни қизиқтириш учун жой номлари, брендга ва шиорга ҳам алоҳида эътибор қаратиш кераклиги айтилди.

Вилоят ҳокими ушбу билдирилган таклифлар вилоят туризм салоҳиятини янги bosқичга олиб чиқишида муҳим аҳамият касб этишини қайд этиб, ҳамкорликда ишлашга тайёр эканлигини билдирди.

Икки ҳудуд соҳа масъулларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, ишларни бошлашга келишиб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-10-18 22:34:56